

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



«Инвестицион фаолият» факультети

«Банк иши ва корпоратив молиялар» кафедраси

Рўйхатга олинди

№ _____

“ _____ ” _____ 2012 йил

“ТАСДИҚЛАНДИ”

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ўқув ишлари проректори,

проф. А.Ш.Бекмуродов

_____ “ _____ ” _____ 2012 йил

**«Пул, кредит ва банклар» фанидан курс ишларини тайёрлаш ва
уни химоя қилиш бўйича услубий қўлланма**

Тошкент – 2012

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

«Инвестицион фаолият» факультети
илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ Ақромов Т.А.
«_____» _____ 2012 й.

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

«Банк иши ва корпоратив молиялар» кафедраси
муҳокама қилинган ва тавсия этилган
Кафедра мудири _____ Каримов Н.Ғ.
(Кафедра мажлисининг 2012 йил) «_____»
№__ сонли баённомаси

Тузувчилар:

© проф. Н.Ғ. Каримов, А.А. Рахимов «Пул, кредит ва банклар» фанидан курс
ишларини тайёрлаш ва уни химоя қилиш бўйича услубий қўлланма - Т.: ТДИУ,
2012. 15 бет.

Такризчи:

Тоймухамедов И.Р. - «Банк иши» кафедраси доценти

МУНДАРИЖА

I. Умумий қоидалар.....	4
II. Курс иши бўйича мавзунини танлаш ва у бўйича иш режасини тузиш.....	6
III. Курс ишига раҳбарлик қилиш.....	7
IV. Курс ишининг таркибий тузилиши ва моҳияти.....	8
V. Адабиётлар ва амалий маълумотларни танлаш ҳамда уларни ўрганиш.....	10
VI. Курс иши матнини тайёрлаш ва уни расмийлаштириш.....	11
VII. Фойдаланилган адабиётларни расмийлаштириш қоидалари.....	13
VII.I. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини намунавий тузилиши...	15
VIII. Курс ишига тақриз бериш ва химоя қилиш.....	20
Илова 1. -----	21
Илова 2. -----	23

I. Умумий қоидалар

Талабалар тасдиқланган ўқув режага асосан «Пул, кредит ва банклар» фанидан курс ишини тайёрлайдилар. Курс ишини қай даражада муваффақиятли тайёрлашда талаба томонидан ушбу ишларни бажаришга қўйилган талабларни билишлиги муҳимдир.

Курс ишини тайёрлаш жараёнида талаба танланган мавзу бўйича иш режасини тузиши, мавзуга тегишли адабиётларни чуқур ва танқидий таҳлил этиши, амалий маълумотлардан кенг фойдаланиши ҳамда маълумотлар асосида турли жадваллар ва чизмалар тузиши лозим.

Курс иши рефератларга нисбатан кўпроқ мустақиллиги, танланган мавзунинг чуқурроқ ўрганилганлиги ва бажарилган ишнинг ҳажмини кўплиги билан ажралиб туради.

Талаба томонидан ҳар бир курс ишини тайёрлаш учун бир семестр ёки ўқув йили билан тенг вақт ажратилади. Бундан асосий мақсад талабага курс иши тайёрлаш учун қўйилган барча саволлар бўйича фикрни жамлаштириш, мавзу бўйича назарий ва методик саволларни ўрганиш, назарияни амалий вазифаларни ҳал этиш учун қўлланиш имкониятларини кўриб чиқиш, зарурат бўлса эксперимент ўтказиш, амалий маълумотларни жамлаш ва умумлаштириш ҳамда шу асосда тайёрланган курс иши мавзуси юзасидан ўзининг илмий қараши асосида хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишга имконият яратишдир.

Курс иши бўйича мавзулар кафедранинг мутахассис ўқитувчилари томонидан «Пул, кредит ва банклар» фанининг хусусияти, шакли ва унинг моҳиятига асосан аниқланиб чиқилади.

Курс иши бўйича илмий раҳбар зиммасига талабага мавзунини танлашда, мавзу бўйича иш режасини тузишда, керакли адабиётларни танлашда, ажратилган муддат давомида ишнинг ҳажми бўйича маслаҳат бериш ва услубий томондан ёрдам кўрсатиш киради.

Курс ишини тайёрлаётган талабалар ўзларининг илмий дунёқарашларини чуқурлаштиришлари, ўқув-тадқиқот ишлари амалиётининг кўникмасини

ўрганишлари, зарур китоблардан фойдалана олишлари, амалий ва статистик маълумотларни таҳлил эта билишлари лозим бўлади.

«Пул, кредит ва банклар» фанидан курс ишлари ўқув-тадқиқот характерга эга бўлиши лозим.

Курс ишини тайёрлашда талаба мавзу бўйича турли графикларни, чизмаларни, жадвалларни илова қилиши зарур.

Талаба томонидан тайёрланадиган курс ишларида фойдаланилган адабиётлардан тўлиқ кўчириб олиш тақиқланади. Тўлиқ оммавий ахборот воситалардан олинган цитаталар хаддан ташқари кўп фойдаланишлик ҳам тавсия этилмайди. Курс ишида келтирилган барча цитаталар, статистик маълумотлар албатта олинган маълумот манбаларга изох тарзида кўрсатилиши шарт.

Шундай қилиб, талабалар курс ишини тайёрлаш жараёнида адабиётлардан, амалий маълумотларда ишлаш бўйича кўникма ва тажрибага эга бўлади, ўз илмий қарашларини мантиқан фикрлаш ҳамда мавзу бўйича энг зарур ҳолатларни аниқлай олиш қобилиятини кучайтириш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари курс иши тайёрлаш жараёнида талаба назарий ва методологик маълумотларни чуқур таҳлил этиш асосида масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ амалий таклифларни ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади.

II. Курс иши бўйича мавзунини танлаш ва у бўйича иш режасини тузиш.

Курс иши бўйича мавзунини тўғри танлаш ва уни тайёрлаш ишнинг самарадорлигини ошириш бўйича муҳим шартлардан ҳисобланади. Талабаларга мавзулар кафедра томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган намунавий мавзулар асосида бириктирилади. Талабалар кафедра билан келишган ҳолда курс иши мавзусини мустақил тарзда танлайдилар.

Курс иши мавзусини мустақил тарзда танлаш вақтида талаба ўзини қизиқишларига мос келадиган мавзунини танлаши мақсадга мувофиқдир.

Курс иши мавзусини танлангандан сўнг талаба унинг дастлабки режасини тузади ва бу режага ишнинг бажарилиши жараёнида ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Курс ишининг режаси танланган мавзуда кўрсатилиши лозим бўлган масалалар доираси ва курс ишининг мазмунини белгилайди. У курс ишининг мавзу материалида умумий йўналиш олишга имкон беради, унинг тўғри танланиши ва баён қилиниши иш мантиқини таъминлайди.

Ҳар бир бандда қатъий танланган материал билан таъминланган пухта ўйланган режа курс ишининг муваффақиятли ёзилишининг ғоят муҳим шартидир. Шунинг учун талаба курс иши бўйича режани тузгандан сўнг уни илмий раҳбар билан келишиши лозим. Илмий раҳбар зарурият бўлса режага керакли ўзгартириш киритиш бўйича маслаҳат бериши мумкин. Имконият даражасида курс иши режасини ортиқча саволлар билан тўлдириб юбормаслик зарур. Курс иши режасига мавзунинг асосий мазмунини белгилайдиган 4-5 масалаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

III. Курс ишига раҳбарлик қилиш.

Курс ишини бажариш учун ҳар бир талабага кафедра томонидан раҳбарлик қилиш учун ўқитувчи тайинланади.

Илмий раҳбар қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

1. Талабага курс ишини бажариш учун унинг мақсади ва вазифаларини аниқлаб олишида амалий ёрдам кўрсатиш;
2. Талабага танланган курс иши мавзу режасини тузишда ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тузишда амалий ёрдам кўрсатиш;
3. Курс иши бўйича режадаги масалалар бўйича талабага маслаҳатлар бериш;
4. Курс ишини бажарилиши даражасини, савиясини ва муддатини назорат қилиш;
5. Тайёрланган курс иши бўйича тақриз ёзади ва уни химояга қўйиш ёки қўймаслик юзасидан тавсия этади.

IV. Курс ишининг таркибий тузилиши ва моҳияти.

Курс иши 3500 тагача сўздан иборат бўлиб, юқори савияда ёзилиши ва тоза кўринишда бўлиши керак. Умумий қабул қилинган сўзлардан бошқа сўзларнинг қисқартирилишига, шунингдек хатолар, ноаниқликлар, услубий нуқсонларга йўл қўйилмайди. Курс иши раҳбарга тақдим этиладиган вақтга келиб ҳамма жихатдан мақомига етказилиб ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Курс ишининг таркибий тузилиши қуйидагилардан иборат бўлади.

Кириш (умумий ҳажмнинг 5-6 %).

Асосий қисм

1. Танланган мавзу бўйича назарий ва методологик масалалар –20-25 %
2. Тадқиқотнинг саволлари ва муаммоларининг ҳолатини таҳлил этиш – 20-25 %
3. Муаммони ҳал этишга таъсир этувчи омиллар ва йўналишлар –20-25 %
4. Муаммони ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш –20-25 %
5. Хулоса 6-7 %
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати –1 %

Киришда танланган мавзунинг назарий ва амалий жихатлари ва унинг долзарблиги, бажариладиган курс ишининг мақсади ва вазифалари ифодаланади. Танланган мавзунинг долзарблигини асослашда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва асарларидан фойдаланилади.

Курс ишининг биринчи саволида талаба мавзунинг умумий назарий муаммолари ва амалиёти ҳолатининг таҳлилини, муаммони ўрганувчи иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларини ҳамда улардаги қарама-қаршиликларнинг қисқача изоҳини келтириши лозим. Курс ишининг иккинчи саволида талаба мавзу бўйича амалий маълумотларнинг таҳлил этиши ва қайта ишлаши лозим. Маълумотларнинг таҳлил этиш жараёни- бу хулосаларнинг узлуксиз тизими бўлиб, улар бирлаштириб мантиқан муайян манзарани ҳосил этиши лозим.

Курс ишининг учинчи саволида мавзу муаммосига таъсир этувчи омиллар ва турли кўрсаткичлар тадқиқ этилади.

Курс ишининг тўртинчи саволида ўрганилган тизим ва ўтказилган таҳлил асосида қўйилган мақсадига мувофиқ тадқиқот объектини ривожлантиришнинг энг оқилона самарали йўллари таклиф этиш ва иқтисодий жihatдан асослаб бериш лозим бўлади.

Курс ишининг хулоса қисмида талаба ишнинг асосий қисмида келтирилган изланишлар, ишлаб чиқилган тавсияларни умумлаштиради. Хулоса ўтказилган тадқиқотнинг мантиқи билан боғлиқ бўлган хотима ролини бажариши лозим.

Курс иши мавзунинг моҳиятини кенгроқ ёритиш мақсадида чизмалар, диаграммалар, схемалар ва жадваллар билан олиб борилиши лозим бўлади.

V. Адабиётлар ва амалий маълумотларни танлаш ҳамда уларни ўрганиш.

Курс иши тайёрлаш учун зарур адабиётлар одатда талаба томонидан мустақил тарзда танлаб чиқилади. Танланган адабиётлар олий ўқув юртининг кутубхонасида мавжуд бўлса кутубхонадан олинади. Агарда мавжуд бўлмаса, у холда энг зарури талаба томонидан китоб магазинларидан харид қилиниши ёки интернет тармоғидан маълумотлар олиши мумкин.

Курс ишлари тайёрлаш бўйича асосий адабиётлар манбаси «Пул, кредит ва банклар» фанининг ўқув дастурининг адабиётлар рўйхатида келтирилади. Зарур ҳолатда кафедра томонидан курс ишлари бўйича адабиётлар рўйхати қўшимча тавсия этилиши мумкин. Курс иши бўйича қўшимча адабиётларни талаба иқтисодий журналлардаги мақолалардан, турли брошюралардан танлаб олиши мумкин. Курс ишида фақатгина сўнгги йилларда Ўзбекистонда ва Хорижда чоп этилган иқтисодий адабиётлардан фойдаланиш лозим. Чунки курс ишини тайёрлашда эски адабиётлардан фойдаланилса бажарилган ишнинг савияси тушиб кетишига сабаб бўлади.

Курс иши моҳиятини кенгроқ очиш учун талаба амалий маълумотларни тўплаши лозим. Амалий маълумотларни статистик тўпламлардан,

справочниклардан ва иқтисодий журнал ва газетадаги ҳисоботлардан фойдаланиши мумкин. Курс ишида келтирилган жадвал маълумотлари, схемалари, чизмалари қайси газета ёки журналдан олинган бўлса албатта манба кўчирмада келтирилиши лозим.

Асосий ва қўшимча адабиётларни танлангандан сўнг талаба уларнинг ишда қўйилган саволларни ёритиш учун ажратиб олиши ва уларни мантиқан боғлаган ҳолда ўрганиб чиқиши ҳамда уларни изоҳ этиши лозим.

VI. Курс иши матнини тайёрлаш ва уни расмийлаштириш.

Курс иши талаба томонидан ўз қўлида равон, саводли ва аниқ тарзда ёзилиши лозим. Ишда қўйилган саволлар босқичма-босқич ва мантиқан боғлиқ тарзда ёзилади.

Курс ишини тайёрлашда жумлаларни такрорланиши ва кераксиз цитаталардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Курс ишида келтирилган жадваллар, схемалар, чизмалар манбасига албатта кўчирма берилиши лозим.

Курс ишининг таркибий тузилиши қуйидагилардан иборат:

1. Титул вараги;
2. Хар бир масала саҳифалари кўрсатилган иш режасининг мундарижаси;
3. Кириш;
4. Асосий қисмда қўйилган саволларнинг матнли баёни, талаба фойдаланилган манбаларга зарурий кўчирмалар кўрсатилади;
5. Хулоса;
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
7. Жадваллар, диаграммалар, чизмалар, график ва схемалардан иборат иловалар.

Курс ишини расмийлаштиришда қуйидаги қоидаларга амал қилиниши керак:

Курс иши стандарт А4 форматдаги 297х210 мм қоғозда 1,5 интервал орқали алоҳида саҳифада ёзилади. Матн чап томонидан 25-30 мм, ўнг

томонидан 10 мм, юқори ва пастидан 20 мм лик хошияда қўлда ёзилади. Матн қалинлиги бир хил бўлиши лозим.

Матн саҳифалари албатта арабча рақамларда рақамланиши лозим. Ишнинг рақамланиши узлуксиз бўлади ва кириш 3- саҳифадан бошланади. (биринчи ва иккинчи саҳифалар-бу титул вараги ва мундарижа бўлиб, улар рақамланмайди). Саҳифа рақами юқоридан ўртага ёки пастдан ўртага қўйилади.

Курс ишининг ҳар бир саволи янги саҳифадан бошлаб ёзилади. Саволнинг номи асосий матндан қўшимча интервал билан ажратиб ёзилади. Қўйилган саволлар номлари хатбошидан ёзилади, нуқта қўйилмайди, тагига чизиб қўйилмайди ва бошқа бетга кўчирмайди. Агар бундай номлар икки ёки ундан кўпроқ сўзлардан иборат бўлса, унда уларнинг ўртасига нуқта қўйилади.

Курс ишида статистик маълумотлар ва жадваллар берилади. Статистик маълумотлар матнда баён қилинган ахборотни қайд қилиш учун фойдаланилади.

Жадваллар узлуксиз арабча рақамда рақамланади. Жадвал рақами уни устида ўнг томонда келтирилади. Масалан

1- жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари
тўғрисида маълумот¹

(млрд сўмда)

№	Банклар номи	Устав капитали	Активлар	Пассивлар
1.	“Агробанк” ОАТБ	30	10000	10000
2.	“Турон” ОАТБ	20	9000	9000
3.	“Савдогар” ОАТБ	15	8000	8000
4.	“Алоқа” ОАТБ	15	8000	8000

Ҳар бир жадвал учун сарлавҳа остига олинган манба кўчирма қилинади. Агар жадвал катта бўлса, унда у навбатдаги саҳифага кўчирилади, бунда жадвал номи такрор ёзилмайди ва ўнгдаги юқори бурчагида «Жадвалнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари


давоми» дан ёзув ёзилади, Жадвал тугаган саҳифада у олинган манбага кўчирма қилинади. Жадвалдан сўнг албатта унга қисқача таҳлил берилади.

Курс ишида ишлатилган графиклар, схемалар, диаграммалар, чизмалар расм остидан ёзув билан тўлдирилиши лозим. Масалан:

1- чизма

Ўзбекистон Республикаси банк тизими²

Хар бир чизма, диаграмма, схема ва графиклар тагига улар олинган манба кўчирмаси келтирилиши лозим. Курс ишида келтирилган иллюстрациялар (жадвалдан ташқари) узлуксиз равишда арабча рақамда рақамланади.



2-жадвал

Мижознинг кредит қобилияти курсаткичлари

Номи	1- синф	2-синф	3-синф
Коплаш коэффициенти	$> \text{ёки} = 2$	$2 \geq, \text{ёки} > 1,0$	$1,0 > 0,5$
Ликвидлилик Коэффициенти	$> \text{ёки} = 1,5$	$1,5 \geq, \text{ёки} > 1,0$	$1,0 > 0,5$
Автономия коэффициенти	$> \text{ёки} = 60\%$	$60\% \geq, \text{ёки} > 30\%$	$30\% > 15\%$

² Чизма муаллиф томонидан тайёрланган

Тижорат банкининг ташқи ва ички молиявий таҳлил ўртасидаги фарқлар.

Молиявий таҳлилнинг аспектлари ва аломатлари	Молиявий таҳлил хусусиятларининг таърифи	
	Ички таҳлил	Ташқи таҳлил
Таҳлилнинг предмети	Молиявий-иқтисодий жараёнлар, уларнинг омиллари ва натижалари	Молиявий-иқтисодий жараён натижалари
Таҳлилнинг объекти	Банкнинг молиявий натижалари, рентабеллиги ва молиявий ҳолати банкнинг иқтисодий самарадорлиги	Банкнинг молиявий натижалари, рентабеллиги ва молиявий ҳолати кўрсаткичлари
Таҳлил субъекти	Банк мутахассисларининг кўпчилиги, менежерлар, таҳлилчилар, ички судитовлар, банк раҳбарлари, жалб қилинган аудиторлар ва маслаҳатчилар	Банкнинг сутсайдирлари, назорат идоралари, мулкдорлар
Регламентлаштирилганлик даражаси	Банк бошқаруви идоралари қарорлари	Халқаро ва миллий стандартлар
Фойдаланилаётган ахборотларнинг ҳажми	Банк фаолияти ва унинг атрофи муҳити ҳақидаги ахборотларнинг бутун тизими	Амалдаги молиявий ҳисобот доирасида
Таҳлил натижасида олинаётган ахборотларнинг сифати	Кўпроқ даражада эҳтимолли ва субъектив характерга эга	Объективроқ, чунки таҳлил назорат идоралари томонидан тасдиқланган амалга ошириб бўлинган операциялар бўйича ахборотларга асосланган
Ахборотларни акс эттириш усуллари	Ҳар қандай	Ҳисобнинг умум қабул қилинган тамойиллари ва стандартлари асосида
Таҳлилни уни ўтказишда фойдаланиладиган ахборотлар қайси вақтга тегишлилигига мувофиқ турлари	Жорий ретроспектив, истикболли таҳлил	Ретроспектив таҳлил
Ўлчов бирликлари	Ҳар қандай	Пулли, ўлчовсиз
Ўтказишнинг мунтазамлиги	Ҳар қандай	Меъёрий ҳужжатлар томонидан белгиланган
Жавобгарлик даражаси	Интизомли	Маъмурий

VII. Фойдаланилган адабиётларни расмийлаштириш қоидалари.

Курс ишида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ишнинг охирида жойлаштирилади. Адабиётлар библиографик баёнда қуйидаги изчилликда жойлаштирилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари
4. Меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва нутқлари
6. Мамлакатимизда ва чет элларда босилган илмий адабиётлар (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалар, илмий брошюралар ва ҳақозо)
7. Интернетдан олинган ахборот манбалари

Фойдаланилган адабиётлар библиографик баёнида қуйидагилар кўрсатилади: муаллифнинг фамилия ва исми-шарифи, китоб номи, нашр қилинган жойи, нашриёт номи ва нашр қилинган жойи, нашриёт номи ва нашр этилган йили. Агар мақола журналда (газетада) босилган бўлса, унда журнал (газета) номи, чиққан йили, журнал (газета) саҳифаси рақами.

Тайёрланган курс иши махсус иш жилдига қўйилган тартибда тикилади. Титул варағи иш жилд устига елимлаб қўйилади. Тайёрланган ишни талаба илмий раҳбардан тақриз олиш учун кафедрага шахсан топширади.

VIII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг намунавий тузилиши

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I.Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари

- 1.Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни,1996 йил 25 апрель.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель.
- 4.Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни,1998 йил 24 декабрь.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни, 1999 йил 14 апрель.
- 6.Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 25 май.
- 7.Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 26 май.
- 8.Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2002 йил 5 апрель.
- 9.Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни, 2006 йил 15 сентябрь.
- 10.Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида» ги Қонуни, 2006 йил 4 октябрь.
- 11.Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» ги Қонуни, 2008 йил 22 июль.
- 12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони, 2003 йил 23 декабрь ПФ-3367.
- 13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия - банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини

ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устивор йўналишлари тўғрисида” ги Қарори, 2011 йил 26 ноябрь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон. 2011 йил.

2. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Банк ахборотномаси. 26.01.2011 й. № 4 (767).

3. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Халқ сўзи. 13.11.2010 й.

4. Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Халқ сўзи. 20.01.2012 й.

III. Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. –Т.: “Молия”. 2005, –510 б.

2. Алимов И.И. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2007, –203 б.

3. Банк ахборотномаси. 2008-2011 й.

4. Банковские операции: учеб. пособ. для средн. Проф. Образования / под ред. Ю.И. Коробова. – М.: Магистр, 2007. – 446 с.

5. Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2007. - 384 с.

6. Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов; под.ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2007. – 384 с. 2 экз.

7. Банковское дело. Экзаменационные ответы. – М.: «Ответ», 2007.- 48 с.

8. Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие / кол. авт. ; под ред О.И. Лаврушина. — 2-е изд., стер. — М.: КНОРУС, 2007. — 344 с.

9. Банковское дело: учебник / О.И. Лаврушин, И.Д. Мамонова, Н.И. Валенцова (и др.). - 6-е изд., стер.- М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.

10. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Университетская книга; Логос, 2007. – 368 с.
11. Белов В.А. Денежные обязательства: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2007. – 192 с.
12. Варламова Т.П., Ермасова Н.Б., Варламова М.А. Деньги, кредит, банки: Учеб. пособ. – М.: Изд. РИОР, 2008. – 128 с.
13. Гвозденко А.А. Страхование. Учебник. – М.: ТК, Велхи, 2004. – 464 с.
14. Жарковская Е.П. Банковское дело. Учебник. – М.: ОМЕГА-Л, 2005. – 440 с.
15. Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози: сабалари ва уни бартараф этиш муаммолари. Илмий монография. – Т.: Akademnashr, 2010 й. – 160 б.
16. Жумаев Н.Х., Зияев М.К., Бердияров Б.Т., Хошимов Э.А., Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантириш: муаммо ва ечимлар. Илмий монография. – Т.: “Молия”, 2011 й. – 184 б.
17. Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. – М.: Финансы и кредит., издание второе. 2003. – 654 с.
18. Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. – М.: Финансы и кредит., издание третье. 2005. – 554 с.
19. Миляков Н.В. «Финансы». Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543
20. Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими истиқлол самараси. – Т.: Ўзбекистон. 2011 й. – 105 б.
21. Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Т.: Ўзбекистон. 2011 й. – 116 б.
22. Поляк Г.Б. “Финансы, денежное обращение, кредит” – М.: 2003, 458 с.
23. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. Т.: Махс – print, 2008. – 395 б.
24. Стародубцева. Е. Б. Основы банковского дела: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 256 с.

25.Тожиев Р.Р. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, -320 б.

26.Тоймухамедов И.Р. Банк иши. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2007, -239 б.

27.Финансы. / Под ред. Г.Б. Поляка. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004.

28.Хошимов Э.А. Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш: муаммо ва ечимлар. Илмий монография. –Т.: Akademnashr, 2010 й. –168 б.

29. Явмутов А., Абдиримиов М.А., Хошимов Э.А. Молиявий-иқтисодий инкироз ва уни бартараф этишда валюта сиёсатидан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар. Илмий монография. –Т.: Akademnashr, 2011 й. –160 б.

IV. Интернет сайтлари

1. <http://www.bis.org> – Халқаро ҳисоб-китоблар банки веб саҳифаси.

2. <http://www.cbr.ru> – Россия Федерацияси Марказий банки веб саҳифаси.

3. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб саҳифаси.

4. <http://www.federalreserve.gov> – АҚШ Федерал захира тизими веб саҳифаси.

5. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати веб саҳифаси.

6. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси.

7. <http://www.uzpsb.uz> – “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банки веб саҳифаси.

VIII. Курс ишини тақриз этиш ва ҳимоя қилиш

Кафедрадан тайинланган раҳбар курс ишини қабул қилиб олгандан сўнг уни текшириб чиқади. Текшириш натижасига асосан унга тақриз ёзади. Тақриз объектив бўлиши лозим. Тақризда курс иши қай даражада тўлиқ ва чуқур бажарилганлиги, тавсияларнинг аниқлик даражаси кўрсатиб ўтилади.

Ишнинг ижобий томонлари билан бир қаторда унинг камчиликлари ҳам қайд қилинади. Тақриз курс ишига умумий баҳо берилиб ҳимояга қўйилиши имконияти тўғрисида хулоса билан яқунланади. Агарда курс иши талабга жавоб бермаса, йўл қўйилган барча камчиликлар кўрсатилиб, уни қайта ишлаш учун талабага қайтарилади.

Талаба томонидан бажарилган курс ишини ҳимоя қилиши учун кафедрада 2-3 етук ўқитувчилар сафидан махсус комиссия тузилади. Курс ишини ҳимоя қилиш жараёни қуйидагилардан иборат:

- курс ишининг мазмунини қисқача изоҳ этиш:

- комиссия аъзолари томонидан берилган саволларга талаба томонидан жавоб бериш:

- курс иши ҳимояси натижаларини муҳокама қилиш:

- ҳимоя натижасини баҳолаш:

- Талабанинг рейтинг дафтарчасига ва қайдномага баҳони қайд этиш.

Агарда талаба бажарилган курс ишини ҳимоя эта олмаса у ишни қайта ҳимоя қилиши шарт.

«Пул, кредит ва банклар» фанидан курс ишини намунавий мавзулари.

1. Пулнинг келиб чиқиши.
2. Пулнинг асосий хусусиятлари.
3. Пулнинг функциялари.
4. Пул муомиласи муаммоси.
5. Пулнинг кредит табиати ва унинг ривожланиши.
6. Кредит пулларнинг уч асосий тури: вексель, банкнота ва чек.
7. Замонавий пул массасининг ташкилий тузилиши.
8. Пул агрегатлари.
9. Пулнинг метал назарияси.
10. Пулнинг номинал назарияси.
11. Пулнинг микдорий назарияси.
12. Кредитнинг зарурлиги ва моҳияти.
13. Ссуда капитали ва кредитнинг иқтисодий асослари.
14. Ссуда капитали манбаси ва ҳаракат қилиш шакллари.
15. Кредитнинг асосий функциялари ва ташкил қилиш асослари.
16. Кредитнинг шакллари ва турлари.
17. Тижорат кредити ва унинг моҳияти
18. Банк кредити ва унинг моҳияти.
19. Давлат кредити ва унинг моҳияти.
20. Истеъмол кредити ва унинг моҳияти .
21. Халқаро кредит ва унинг моҳияти.
22. Ссуда фоизи; моҳияти, турлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар.
23. Кредит тизими: моҳияти ва ташкилий тузилиши.
24. Кредит тизими турлари.
25. Кредит назариясининг асослари.
26. Капитални яратиш назарияси.
27. Кредитнинг натурал назарияси.
28. Молиянинг моҳияти ва функциялари.

29. Молия тизими ва унинг асосий бўғинлари.
30. Давлатнинг молиявий сиёсати ва бошқарув органларининг ташкилий тузилиши.
31. Молиявий режалаштириш ва истикболини белгилаш.
32. Молиявий назорат. Молиявий назоратнинг шакллари ва усуллари.
33. Давлатнинг бюджет тизими.
34. Бюджетнинг функциялари.
35. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари.
36. Бюджетлараро муносабатлар тизими.
37. Давлатнинг бюджетдан ташкари фондлари. Махсус фондлар: нафақа фонди ва ҳакозо.
38. Солиқ тушунчаси ва тизими.
39. Солиқ функциялари ва турлари.
40. Давлат қарзи ва унинг элементлари.
41. Давлат қарзини бошқариш тизими.
42. Корхона молиясини ташкил қилиш асослари.
43. Молиявий ҳисобот – ҳўжалик субъектлари туғрисида маълумот олишнинг асосий манбаи сифатида.
44. Бухгалтерия балансининг тузилиши ва таркиби.
45. Корхона ва ташкилотлар фойдасидан олинадиган солиқлар.
46. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.
47. Фойда ва зарарлар туғрисида ҳисобот.
48. Ҳисобот моделлари ва тузилиши.
49. Капитал ҳаракати билан боғлиқ ҳисобот.
50. Пул маблағлари ҳаракати ҳисоботи.

«Пул, кредит ва банклар» фанидан курс иши титули.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ» ФАКУЛЬТЕТИ

“БАНК ИШИ ВА КОРПОРАТИВ МОЛИЯЛАР» КАФЕДРАСИ

«Пул, кредит ва банклар» фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: _____

Бажарди: _____

Қабул қилди: _____

Тошкент- 2012 й